

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

| | Млрд. сўм | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|---------------|---|
| Ялпи ҳудудий маҳсулот | 6644,8 | 107,6 |
| Саноат маҳсулоти | 4464,3 | 107,1 |
| Истеъмол товарлари | 2913,6 | 106,1 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2391,5 | 106,6 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 1767,5 | 96,4 |
| Қурилиш ишлари | 1401,4 | 113,1 |
| Юк айланмаси млн. тн-км | 863,9 | 104,8 |
| Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км | 2406,4 | 106,4 |
| Чакана товар айланмаси | 4367,4 | 113,1 |
| Хизматлар, жами | 3081,4 | 110,9 |
| Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл. | 481,6 | 111,9 |
| Экспорт | 110,9 | 115,3 |
| Импорт | 370,7 | 111,0 |
| Сальдо (+;-) | -259,8 | X |

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 6644,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 107,6 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-июн ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 111,4 фоизни ташкил қилди.

Январь-июн ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


| | млрд.сўм | | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|---------------|---------------|---|
| | 2016 йил | 2017 йил | |
| I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами | 5539,8 | 6644,8 | 107,6 |
| шу жумладан: | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 5346,9 | 6447,2 | 107,7 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 192,9 | 197,6 | 106,7 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 5346,9 | 6447,2 | 107,7 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 664,2 | 803,2 | 106,6 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 1768,2 | 2159,6 | 107,3 |
| саноат | 1272,0 | 1532,2 | 105,1 |
| қурилиш | 496,1 | 627,5 | 113,1 |
| Хизматлар | 2914,5 | 3484,4 | 108,1 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 648,7 | 808,8 | 112,4 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 547,1 | 626,5 | 109,8 |
| бошқа хизматлари | 1718,7 | 2049,1 | 106,0 |

Январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-июн ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (113,1 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (112,4 %) ва ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (109,8 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 72,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-июнга нисбатан 0,1 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 108,1 фоиз (2016 йил январь-июнда 109,7 фоиз)ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 56307 тани ташкил қилиб, шундан 43200 таси ёки 76,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5121 та (9,1 фоизи), саноат 3807 та (6,8 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1219 та (2,2 фоизи) ва қурилиш 1808 та (3,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|--|---------------------|------------------------|-------------------------|------------------------|
| | бирлик | яқунга нисбатан фоизда | бирлик | яқунга нисбатан фоизда |
| Жами | 56307 | 100,0 | 43200 | 100 |
| шу жумладан: | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 35738 | 63,5 | 23625 | 54,7 |
| Саноат | 3807 | 6,8 | 3634 | 8,5 |
| Қурилиш | 1808 | 3,3 | 1650 | 3,9 |
| Савдо | 5121 | 9,1 | 4805 | 11,2 |
| ташиш ва сақлаш | 713 | 1,3 | 681 | 1,6 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1219 | 2,2 | 1171 | 2,8 |
| ахборот ва алоқа | 417 | 0,8 | 397 | 1,0 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 434 | 0,8 | 427 | 1,0 |

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|----------------------------------|---------------------|------------------------|-------------------------|------------------------|
| | бирлик | яқунга нисбатан фоизда | бирлик | яқунга нисбатан фоизда |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 7050 | 12,2 | 6810 | 15,3 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 93,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, 9,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 82,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-июнда жами 4675 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2121 та). Уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 14,4 фоизи), Пайариқ (11,9 фоиз), Ургут (11,5 фоиз), Каттакўрғон (9,3 фоиз), Иштихон (8,7 фоиз), Булунғур (6,7 фоиз), Пастдарғом (6,4 фоиз), Оқдарё (5,6 фоиз), Жомбой (4,6 фоиз), Самарқанд туман (4,3 фоиз) ва Нарпай (4,2 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 13,2 фоизи саноат, 9,8 фоизи савдо ва 4,0 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 5580 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 124 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 2,3 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-июнда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16813 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 72,1 фоизи (2016 йил январь-июнда 72,0 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1281,1 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 84,4 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 1053,5 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 227,6 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2646,0 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 59,3 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 109,3 фоизни ташкил қилди;

- 2345,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,1 фоизи) ташкил қилди.

- 1194,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 67,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 117,0 фоизга ўсди;

- 1331,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,0 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 126,7 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 105,2 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 96,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 105,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 92,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,6 фоизи ёки 4132,4 млрд. сўми (ўсиш 114,7 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 72,8 фоизи ёки 2242,1 млрд. сўми (ўсиш 109,3 фоиз) шакллантирилди;


- 91,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 82,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 234,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 63,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

| | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида |
|---------------------------------|---|--|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2345,0 | 100 |
| Саноат | 2646,0 | 40,1 |
| Қурилиш | 1331,1 | 95,0 |
| Чакана савдо | 4132,4 | 80,4 |
| Юк ташиш, млн тн. | 20,7 | 36,7 |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 240,3 | 72,5 |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 91,2 | 6,9 |
| Импорт, млн. АҚШ долл. | 234,9 | 14,2 |

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар


2017 йилнинг январь-июнида ташқи савдо айланмаси 481,6 млн. АҚШ долларини, жумладан 110,9 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 370,7 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси -259,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

| | январь-июнь | | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз хисобида |
|------------------------------|--------------|--------------|---|
| | 2016 й. | 2017 й. | |
| Ташқи савдо айланмаси | 430,3 | 481,6 | 111,9 |
| шу жумладан: | | | |
| МДХ давлатлари | 138,4 | 151,2 | 109,2 |
| бошқа давлатлар | 291,9 | 330,4 | 113,2 |
| Экспорт | 96,2 | 110,9 | 115,3 |
| шу жумладан: | | | |
| МДХ давлатлари | 59,0 | 63,4 | 107,5 |
| бошқа давлатлар | 37,2 | 47,5 | 127,6 |
| Импорт | 334,1 | 370,7 | 111,0 |
| шу жумладан: | | | |
| МДХ давлатлари | 79,4 | 87,8 | 110,5 |
| бошқа давлатлар | 254,7 | 282,9 | 111,1 |

2017 йил январь-июнида вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-июнида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида | | Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида |
|--|---|---------------------|---|
| | 2016 йил январь-июн | 2017 йил январь-июн | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида |
| Экспорт таркиби | 100 | 100 | 115,3 |
| пахта толаси | - | 1,3 | - |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 58,6 | 50,2 | 98,8 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 3,3 | 2,9 | 100,8 |
| қора ва рангли металллар | 5,3 | 2,3 | 48,3 |
| машина ва ускуналар | 3,0 | 5,6 | 2,2 м |
| хизматлар | 10,9 | 12,9 | 136,5 |
| бошқалар | 18,9 | 24,8 | 151,9 |

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида | | Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида |
|--|---|---------------------|---|
| | 2016 йил январь-июн | 2017 йил январь-июн | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида |
| Импорт таркиби | 100 | 100 | 111,0 |
| озик-овқат маҳсулотлари | 12,4 | 12,3 | 110,4 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 35,1 | 27,6 | 87,2 |
| энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари | 0,4 | 0,4 | 97,7 |
| қора ва рангли металллар | 3,2 | 3,7 | 130,4 |
| машина ва ускуналар | 40,7 | 44,9 | 122,5 |
| хизматлар | 0,6 | 0,6 | 107,7 |
| бошқалар | 7,6 | 10,5 | 152,6 |

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йилнинг январь-июнида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


| | Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида | 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида |
|--------------|---|--|
| Россия | 14,4 | 113,6 |
| Туркия | 12,8 | 145,8 |
| Қозоғистон | 11,3 | 99,2 |
| Хитой | 13,5 | 151,7 |
| Украина | 1,9 | 182,1 |
| Ҳиндистон | 3,2 | 172,6 |
| Германия | 9,2 | 90,1 |
| Белоруссия | 1,1 | 166,4 |
| Ж. Корея | 2,5 | 121,6 |
| Эрон | 1,1 | 52,4 |
| Латвия | 2,2 | 149,4 |
| Япония | 4,5 | 61,9 |
| Қирғизистон | 0,8 | 196,6 |
| Нидерландия | 0,6 | 109,7 |
| БАА | 0,5 | 61,9 |
| Туркменистон | 0,5 | 23,6 |
| Афғонистон | 1,9 | 162,4 |
| Польша | 1,7 | 137,6 |
| Покистон | 0,3 | 44,2 |

2017 йил январь-июнда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2017 йил январь-июнда саноат маҳсулоти ҳажми 4464,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,1 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 2913,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-июнга нисбатан 106,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1363,6 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 43,2 млрд. сўмлик ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 1506,8 сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 108,5 фоиз ва 103,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-июн ойларида 62,9 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.


2017 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---------------|--------------------------------|
| Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми | 4464,3 | 107,1 |
| Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 27,7 | 128,1 |
| улардан: | | |
| Металл рудаларини қазиб олиш | 1,4 | 269,2 |
| Қайта ишлаш саноати | 4284,3 | 107,0 |
| ундан: | | |
| Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1990,2 | 105,7 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 1024,3 | 113,0 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш | 89,9 | 107,9 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 21,4 | 72,6 |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---------------|--------------------------------|
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 0,6 | 99,8 |
| Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 202,3 | 79,2 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 31,4 | 162,7 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 158,3 | 116,9 |
| Металлургия саноати | 3,9 | 64,5 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 762,0 | 111,1 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 126,8 | 106,2 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 25,4 | 97,4 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 2913,6 | 106,1 |
| шу жумладан: | | |
| озик-овқат товарлари | 1406,8 | 108,8 |
| ноозик-овқат товарлари | 1506,8 | 103,7 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)


| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-июнь | 2016 й январь-июнга нисбатан % |
|--|-----------------------|----------------------|--------------------------------|
| Ишлаб чиқарадиган саноат | | | |
| Таркибида иккита таъминловчи элемент - азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар | МИНГ ТН | 31,1 | 72,2 |
| Арок | МИНГ.Л 100% спирт | 931,8 | 100,9 |
| Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари | МИНГ. Л 100% спирт | 371,9 | 100,0 |

| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь- июнь | 2016 й январь- июнга нисбатан % |
|--|------------------|-----------------------------|--|
| Узум вноси | минг. л | 7,5 | 35,7 |
| Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари) | минг. л | 16122 | 102,3 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | минг.тн | 78,8 | 114,3 |
| Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка) | тн | 1221 | 103,1 |
| Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари) | тн | 6768 | 126,8 |
| Пахта толаси | минг тн | 44,4 | 104,7 |
| Пахта чигити | минг тн | 48,3 | 120,0 |
| Пахта тивити (линт) | тн | 2710 | 100,5 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | | | |
| Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси | млн.кВт/с | 0,1 | 58 |
| Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) | минг Гкал. | 38,5 | 83,4 |

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2391,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2384,9 млрд. сўмни (99,7 фоиз), ўрмончилик хўжаликларидан 4,5 млрд. сўмни (0,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларидан 2,1 млрд. сўмни (0,1 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:



Ҳосил йиғими. 2017 йил январь-июн ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 538 минг тонна бошоқли дон экинлари, шундан 527,9 минг тонна буғдой ишлаб чиқарилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 296,9 минг тонна картошка (2016 йилга нисбатан 2,3 фоизга кўп), 308,8 минг тонна сабзавотлар (9,9 фоизга кўп), 12,7 минг тонна полиз экинлари (6,1 фоизга кўп), 105,9 минг тонна мева ва резаворлар (9,8 фоизга кўп) ва 1,8 минг тонна узум (7,3 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 2,5 фоизга (жами 37,3 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 0,9 фоизга (5,6 минг бош), қўй ва эчкилар 3 фоизга (69 минг бош), отлар 1,4 фоизга (333 бош) ва паррандалар 10,7 фоизга (981,4 минг бошга) ўсди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 108,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 107 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 111,8 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони куйидагича:

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|---|---------------|--------------------|
| Йирик шохли қорамол | 1518,1 | 102,5 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 67,0 | 104,5 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1446 | 102,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 5,1 | 113,6 |
| улардан сигирлар | 658,7 | 100,9 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 23 | 102,2 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 634 | 100,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,7 | 121,4 |
| Қуй ва эчкилар | 2341,0 | 103,0 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 128,1 | 102,3 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 2019,7 | 103,3 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 193,2 | 100,8 |
| Отлар | 24,3 | 101,4 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 1,4 | 102,7 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 22,4 | 101,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,5 | 116,7 |

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|--|----------------|--------------------|
| Паррандалар | 10158,2 | 110,7 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 1795 | 109,0 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 5064,8 | 111,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 3298,4 | 109,9 |

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 102,4 фоизни, фермер хўжаликларида эса 104,5 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 100,8 ва 102,2 фоизни, қўй ва эчкилар 103,3 ва 102,3 фоизни, отлар 101,0 ва 102,7 фоизни, паррандалар 111,8 ва 109,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-июнда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 137,5 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-июнга нисбатан 8,4 фоизга кўп), 614,9 минг тонна сут (7,0 фоизга кўп), 614,3 млн. дона тухум (10,7 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-июн ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

| | миқдори | ўсиш суръати, % |
|--|--------------|--------------------|
| Гўшт (тирик вазнда), минг тн. | 137,5 | 108,4 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 2,6 | 108,6 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 126,5 | 108,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 8,4 | 107,5 |
| Сут, минг тн. | 614,9 | 107,0 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 22,9 | 108,1 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 590,2 | 107,0 |

| | миқдори | ўсиш суръати, % |
|--|--------------|--------------------|
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,8 | 115,8 |
| Тухум, млн. дона | 614,3 | 111,8 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 111,8 | 110,2 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 273,6 | 112,6 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 228,9 | 111,8 |

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланadi:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 559,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 23,4 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 67,0 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 23,0 минг бош сигир, 128,1 минг бош қўй ва эчкилар, 1450 бош от ҳамда 1795 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

| | январь-июнь | | | | 2016 январь- июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---------------------|-------------|--|----------|--|--|
| | 2016 йил | | 2017 йил | | |
| | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | |
| Бошоқли дон | 404553 | 75,6 | 406941 | 75,6 | 100,6 |
| шу жумладан, буғдой | 400982 | 76,0 | 401271 | 76,0 | 100,1 |
| Картошка | 35084 | 11,5 | 38491 | 12,9 | 109,7 |
| Сабзавот | 116873 | 41,5 | 129104 | 41,7 | 110,5 |
| Полиз | 4948 | 41,3 | 5357 | 42,1 | 108,3 |
| Мева | 14439 | 14,9 | 15861 | 14,9 | 109,8 |
| Узум | 1293 | 76,7 | 1385 | 76,6 | 107,1 |
| Гўшт, тирик вазнда | 2442 | 1,9 | 2651 | 1,9 | 108,6 |
| Сут | 21179 | 3,6 | 22898 | 3,7 | 108,1 |
| Тухум, минг дона | 101521 | 18,4 | 111831 | 18,2 | 110,2 |
| Жун | 40 | 1,8 | 42 | 1,9 | 105 |

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 1767,5 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 96,4 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | яқунга нисбатан фоиз |
|--|---------------|--------------------|-------------------------|
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 1767,5 | 96,4 | 100,0 |
| шу жумладан | | | |
| Марказлашган инвестициялар: | 171,1 | 54,7 | 10,0 |
| бюджет маблағлари | 78,3 | 82,4 | 4,6 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 87,5 | 52,0 | 5,1 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 5,3 | 17,4 | 3 |
| Марказлашмаган инвестициялар | 1596,4 | 105,2 | 90,0 |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 737,4 | 193,5 | 36,0 |
| аҳоли маблағлари | 623,4 | 76,7 | 39,0 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 33,5 | 36,4 | 2,0 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 201,6 | 89,4 | 13,0 |
| бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар | 0,5 | - | - |


2017 йил январь-июнда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

| | жами | Давлат | Нодавлат |
|---|---------------|--------------|---------------|
| Жами, млрд. сўм | 1767,5 | 246,3 | 1521,2 |
| шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | 100 | 100 | 100 |
| қурилиш-монтаж ишлари | 72,1 | 74 | 71,8 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 18,5 | 21,6 | 17,9 |
| бошқа ҳаражатлар | 9,4 | 4,4 | 10,3 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 4,3 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 1,1 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 5,3 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-июнда умумий майдони 714,8 минг кв.м. бўлган 3411 та (2016 йил январь-июнга нисбатан 93,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 707,9 минг кв.м. (153,0 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 530,2 млрд. сўмни ёки 30 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 32,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 5,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 5,9 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 171,9 км узунликдаги ичимлик суви, 38,2 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 134,0 ва 116,0 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 4439,6 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 1178,9 млн. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-июнда 1401,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 113,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,0 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 15,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 4,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 98,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1366,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 91,0 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 85,0 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои қуйидагича ифодаланди:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2016 й.
январь-июнь

2017 й.
январь-июнь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Кўпма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. 2017 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 25,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 863,9 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 4,8 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-июн | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--------------------------|------------------------|---|
| Ташилган юк, млн. тн | 25,6 | 105,2 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 25,6 | 105,2 |
| Юк айланмаси, млн. тн-км | 863,9 | 104,8 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 863,9 | 104,8 |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-июнга нисбатан 4,7 фоизга кўпайди ва 768,5 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 89,0 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнда 88,9 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 258,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 6,4 фоизга кўпайиб, 2406,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-июн | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|------------------------|---|
| Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши | 258,3 | 104,7 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 258,3 | 104,7 |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км | 2406,4 | 106,4 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 2406,4 | 106,4 |

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-июнга нисбатан 5,2 фоизга кўпайди ва 1985,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 86,0 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнда 86,0 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-июнда чакана товар айланмаси 4367,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,1 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2016 йил январь- июнга нисбатан фоиз ҳисобида | Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|---------------|--|-------------------------------------|
| Жами | 4367,4 | 113,1 | 100 |
| шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича: | | | |
| давлат мулки | 1,1 | 51,1 | 0,1 |
| нодавлат мулки | 4366,3 | 113,1 | 99,9 |
| ундан фуқароларнинг хусусий мулки | 3320,6 | 112,9 | 76,1 |

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-июнда 235,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 90,6 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июн ойларида 4132,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,7 фоизга ошган.

2017 йил январь-июнда чакана савдо айланмаси таркиби куйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида | Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---------------|--|-------------------------------|
| Чакана товар айланмаси | 4367,4 | 113,1 | 100,0 |
| шу жумладан: | | | |
| савдо корхоналари | 235,1 | 90,6 | 5,4 |
| якка тартибдаги тадбиркорлик | 3478,1 | 117,5 | 79,6 |
| уюлмаган сектор(ташқил этилмаган савдофаолияти) | 654,2 | 101,9 | 15,0 |

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 75,3 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-июнга нисбатан 102,3 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 111,0 фоизга ошди ва 1191,6 минг сўмни ташқил этди (2016 йил январь-июнь ойларида 961,8 минг сўмни ташқил этган).

2017 йил январь-июнда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 3081,4 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1038,0 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 33,7 фоизини ташқил қилди. 2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш 110,9 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-июнида куйидагича ифодаланади:


| | млрд. сўм | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида | яқунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|------------------------------------|---------------|--|-------------------------------|
| Жами хизматлар | 3081,4 | 110,9 | 100,0 |
| шу жумладан хизмат турлари бўйича: | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати | 243,5 | 120,8 | 7,9 |

| | млрд. сўм | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида | яқунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|-----------|---|--|
| молиявий хизматлар | 299,3 | 137,7 | 9,7 |
| транспорт хизмати | 603,6 | 109,0 | 19,6 |
| шу жумладан автотранспорт хизматлари | 558,1 | 107,9 | 18,1 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 94,3 | 110,0 | 3,1 |
| савдо хизматлари | 1090,2 | 106,3 | 35,4 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар | 102,3 | 105,0 | 3,3 |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 130,2 | 103,9 | 4,2 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 50,4 | 112,6 | 1,6 |
| ижара ва прокат хизматлари | 91,1 | 107,0 | 3,0 |
| компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари | 126,9 | 107,3 | 4,1 |
| бошқа шахсий хизматлар | 153,3 | 107,8 | 5,0 |
| меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 16,9 | 106,5 | 0,5 |
| бошқа турдаги хизматлар | 79,4 | 108,9 | 2,6 |

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,4 фоизи), транспорт (19,6 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (137,7 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (120,8 фоиз), соғлиқни сақлаш (112,6 фоиз) ва яшаш ва овқатланиш хизматларида (110,0 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3679,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 27462 кишига ёки 0,8 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

| | Киши | | | Ҳар 1000 кишига | |
|--|---------|-----------------------|----------------------|-----------------|-----------------------|
| | 2016 й. | 2017 й. ¹⁾ | Ўсиш, камайиш (-) | 2016 й. | 2017 й. ¹⁾ |
| Туғилганлар | 40406 | 38167 | -2239 | 22,6 | 21,0 |
| Ўлганлар | 8555 | 8058 | -497 | 4,8 | 4,4 |
| шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан | 337 | 327 | -10 | 8,3 | 8,6 |
| Табиий ўсиш | 31851 | 30109 | -1742 | 17,8 | 16,6 |
| Никоҳлар | 10780 | 10025 | -755 | 6,0 | 5,5 |
| Ажралишлар | 1542 | 1546 | 4,0 | 0,9 | 0,8 |

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-июнида туғилганлар сони 38167 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (40406 киши) нисбатан 2239 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 21,0 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (22,6 промилле) нисбатан 1,6 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Каттакўрғон шаҳрида (23,6 дан 22,1 промиллега), Пайариқ (26,2 дан 25,0 промиллега), Булунғур (24,1 дан 21,1 промиллега), Нуробод (24,0 дан 20,3 промиллега), Каттакўрғон (23,0 дан 19,7 промиллега), Иштихон (22,8 дан 21,4 промиллега), Тайлоқ (22,7 дан 20,1 промиллега), Оқдарё (22,5 дан 20,9 промиллега), Самарқанд (22,4 дан 20,8 промиллега), Пастдарғом (21,5 дан 18,7 промиллега) ва Нарпай (21,3 дан 18,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 8058 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (8555 киши) нисбатан 497 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,4 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнида 4,8 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Каттакўрғон шаҳрида (6,6 дан 5,6 промиллега), Пахтачи (5,9 дан 4,9 промиллега), Самарқанд (5,8 дан 4,9 промиллега), Пайариқ

¹⁾ дастлабки маълумот

(5,5 дан 4,9 промиллега), Булунгур (5,1 дан 4,0 промиллега), Пастдарғом (4,9 дан 4,1 промиллега), Ургут (4,6 дан 3,9 промиллега), Нарпай (4,5 дан 4,0 промиллега), Иштихон (4,3 дан 3,7 промиллега) ва Каттақўрғон (4,2 дан 3,6 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 64,7 фоизи - қон айланиш тизими касалликларидан, 7,7 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,3 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,9 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 5,3 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 1,3 фоизи инфекция касалликларидан ҳамда 10,8 фоизни бошқа касалликлар билан касалланганлик сабабли вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнида бир ёшга тўлмаган 327 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 65,0 - фоизи перинатал ўлим, 23,5 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 2,0 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 1,0 фоизи инфекция касалликларидан ҳамда 8,5 фоизи бошқа касалликлар билан касалланганлик сабабли вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-июнида ФХДЁ органларида 10025 та никоҳлар ва 1546 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,5 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 6,0 та) ва 0,8 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 0,9 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 5068 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7872 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2804 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 2102 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Самарқанд (минус 544) ва Каттақўрғон (минус 303) шаҳарларида ҳамда Пайарик (минус 533), Пахтачи (минус 436), Ургут (минус 275), Қўшработ (минус 218) ва Иштихон (минус 208) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнга нисбатан 0,1 фоизга кўпайиб, 2075,1 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,4 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-июнда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 12272 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Самарқанд шаҳри (1691 кишига), Пайариқ (980 кишига), Ургут (970 кишига), Иштихон (957 кишига), Жомбой (860 кишига) ва Самарқанд (817 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 11725 нафари (барча мурожаат этганларнинг 95,0 фоизи) ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Нарпай (муурожаат этганларнинг 122,4 фоизи), Каттақўрғон (122 фоиз), Ургут (118,8 фоиз), Иштихон (108,7 фоиз), Оқдарё (108,2 фоиз), Пахтачи (107,8 фоиз), Нуробод (106,4 фоиз), Жомбой (103,8 фоиз) ва Булунғур (100,7 фоиз) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 826 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)

